

## Ғийбатнинг зарарлари (7-қисм)



20:42 / 21.04.2018 4098

**Саккизинчи зарар: қиёмат куни ғийбат қилинган кишининг гўштини ейиш.**

Чунончи, бу борада Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис юқорида зикр этилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Дунёда ўз биродарининг гўштини еган кишига қиёмат куни (ҳам унинг гўшти) яқинлаштирилади ва унга: «Буни тириклигида еганингдек, ўликлигида ҳам егин», дейилади. Бас, у юзи буришиб, қичқирган ҳолда уни ейди».<sup>[1]</sup>

**Тўққизинчи зарар: қиёмат кунида ўз гўштини ейиш.**

**Ҳадис.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърож воқеасини баён қила туриб, шундай дедилар: «**Меърожга чиққанимда бир қавмнинг**

ёнидан ўтдим. Уларнинг ёнбошларидан гўшлари кесиб олиниб, оғизларига солинар ва: «Биродарларинг гўшtidан еганингиз учун бунинглар», дейилар эди. «Эй Жаброил, булар кимлар?» десам, Жаброил: «Булар умматингизнинг ҳаммоз ва ламмозлари, яъни гийбатчилари», дедилар».<sup>[2]</sup>

**Ўнинчи зарар: қиёмат кунida ўз баданини тирноқлари билан тирнаш.**

«Сунани Абу Довуд»да ривоят қилинган мана бу ҳадис юқорида ҳам ўтди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Меърожга чиққанимда тирноқлари мисдан бўлган бир қавмининг ёнидан ўтдим. Улар юзлари ва кўксиларини (тирноқлари билан) тимдалашар эди. «Эй Жаброил, булар кимлар?» деб сўрадим. У: «Булар одамларнинг гўштини ейдиган, уларнинг обрўсини тўкадиганлар», деб жавоб бердилар».**<sup>[3]</sup>

**Ўн биринчи зарар: жаҳаннамда қичимага дучор бўлиш.**

Мужоҳид раҳимаҳуллоҳдан нақл қилинади: «**Жаҳаннам аҳлининг баданини қичима қоплайди. Улар тинмай қашланишади, ҳатто баъзиларининг (қашланавериб) териси шилиниб тушиб, суяги кўриниб қолади. Унга: «Бу сенга азият беряптими?» деб нидо қилинса, у «Ҳа» деб жавоб беради. Нидо қилувчи: «Бу (жазо) мўминларга озор берганинг эвазига», дейди».** Бу хабар ҳам юқорида ўтди.

Ўн иккинчи зарар: жаннатга ҳаммадан кейин, жаҳаннамга эса ҳаммадан илгари кириш.

Гийбатчи одам ўзининг бу ярамас ишидан тавба қилиб вафот этса, жаннатга ҳаммадан кейин киради. Агар тавба қилмасдан вафот этса, жаҳаннамга ҳаммадан олдин киради. Чунинчи, юқорида Каъбул Аҳбор раҳимаҳуллоҳдан мана шу мазмундаги хабар келтирилди.

**Ҳикоя.** «Равзатул воизин»да Мулло Мискин Ҳаравий шундай ёзади: «Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг саҳифаларида: «Эй Одам боласи! Гийбатни тарк эт. Шунда жаннат сенга муштоқ бўлади», деб ёзилган».

«Гийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

[1] «Ат-Тарғиб ват-тарҳиб», 4294-ҳадис.

[2] «Танбеҳул ғофилин», 206-ҳадис.

[3] «Сунани Абу Довуд», 4878-ҳадис.